



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 28 июн, сешанба № 101 (1942)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
РОССИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Россия Федерацияси
Президенти Владимир Путиннинг таклифига
биноан 2005 йил 28-29 июн кунлари амалий
ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф чоғидаги музокараларда икки давлат
раҳбарлари турли соҳаларда Ўзбекистон-Россия
ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва минтақа-
вий ҳавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари-
ни кўриб чиқадилар, томонларни қизиқтирган
халқаро муаммоларни муҳокама қиладилар.

(ЎЗА)

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!
Авваломбор, заҳматкаш касб
эгалари бўлиш сиз, азиз журна-
листларни, нашриёт ва матбаа соҳа-
си фидоийларини, муҳтарам
фахрийларимиз, кўпмиллионли
муштарийларни бугунги катта бай-
рам-Матбуот ва оммавий ахборот
воситалари ходимлари кунини билан
чин қалбимдан самимий муборақ-
бод этаман.

Бугунги шиддатли суръатлар
билан ўзгариб бораётган глобал-
лашув замонида ҳаётимиз тарақ-
қиётга - бу ишлаб чиқариш ёки
ижтимоий соҳалар бўладими, одам-
ларимизнинг давлатга, жамия-
тга ва ўзаро муносабатлари бўла-
дими, янгилик ва ўзгаришлардан
ўз вақтида хабардор бўлиш, қола-
верса, жамоатчилик фикрини
шақллантириш бўладими - булар-
нинг барчасини оммавий ахборот
воситалари фаолиятисиз тасаввур
қилиб бўлмайди.

Табиийки, бундай ҳолат журна-
лист аҳлига, ўз ҳаётини шу соҳага
бағишлаган ҳар қайси одамнинг
зиммасига оғир, шу билан бирга,
шарафли вазифа юклайди.

Агарки, XXI асрнинг ҳозирги
кунда инсоният олдида қўяётган
ўта кескин талабларини инобатга
оладиган бўлсак, яъни давлат ва
жамият ҳаётини ташкил этиш, жа-
ҳон майдонидаги кучли рақобат,
бозор иқтисодиёти тамойиллари,
ишлаб чиқариш соҳасидаги замона-
вий технологиялар ҳар бир касб
эгасидан юксак профессионал маҳ-
орат ва доимий сафарбарликни
тақозо этади.

Лекин дунёдаги энг машаққат-
ли касблардан бири бўлиши жур-
налистика соҳасининг ўлчов ва ме-
зонлари фақат шулар билан че-
кланмайди. Нега деганда, журна-
лист барча касб ва ҳунарларнинг
ўзига хос хусусиятларидан, ташқи
ёки ички сиёсат, иқтисодиёт ёки
суд-ҳуқуқ соҳаси, маданият ёки
табиийёт оламида рўй бераётган,
бир сўз билан айтганда, ҳаётда
кечаётган кўп қиррали ижтимоий
жараёнлардан ҳар томонлама ха-
бардор бўлиши, ўқувчилар ва кенг
жамоатчиликни қизиқтирадиган
долзарб ва устувор масалаларнинг
негизига етиб боришга қодир
бўлиши лозим.

Албатта, ҳар қандай журналист
шу касбини танлар экан, ўз фаоли-
ятини давомийлаштиришда турли
қийинчилик ва инновацияларни
таъсир қилиши, уларни энг ўшқин
тайёр бўлиши керак. Уткир қалами,
ҳаққоний сўзи билан матбуот
соҳасига кўп хизматлари сингган
оқсоқол журналистларимиз ҳаётини
мисолда уларнинг ўз бурчини адо
этишда баъзан қандай тўсиқлар-
га, танқид ва таъйиқларга дуч кел-
гани, адолат ҳимояси учун гоҳида

ҳаловатдан воз кечиш, ҳатто тақдирини
ҳавф остида қолганини ҳам яхши би-
ламиз. Кимгадир ёқадими-йўқми,
лекин бу - ҳаётнинг аччиқ бир
ҳақиқати.

Фақат ўз касбига садоқатли, дои-
мо эл-юрт манфаати, ўзгалар дарди
билан ёниб яшайдиган журналист-
гина халқ орасида чинакам обрў-
эътибор қозона олади.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир
масалага эътиборингизни қаратмоқ-
чиман.

Ҳақиқий журналист ким учун хиз-
мат қилади, ким учун жонини жаб-
борга беради, ким учун ҳаётини таҳ-
дид остига қўяди?

Мана шу заҳматкаш халқ учун,
унинг ҳеч кимдан кам бўлмалиги
учун. Шу юрт фарзандларининг ёруғ
қолажаги, бахту саодати учун. Шу та-
барруқ тупроқ, шу муқаддас Ватан
учун.

Мен барча матбуот ходимлари
мана шу фикрни ҳеч қачон унутмас-
ликларини истардим. Бугунги кунда
оммавий ахборот воситалари умми-
соний эзгу гоғларнинг эркин
минбарини бўлишга интилар экан,
ҳақиқат ва ҳолислик журналистика-
нинг доимий, ўзгармас қондасига
айланиши шарт.

Лекин, минг афсуски, ҳозирги
пайтда дунёнинг турли жойларида
матбуот воситалари аксарият хол-
ларда айрим сиёсий кучларнинг
ғаразли мақсадларига хизмат қи-
ладиган мафкуравий таъсир қуролига
айланиб қолмоқда.

Биз бундай хуружларни яқинда Ан-
диржон шаҳрида содир этилган Тер-
рорчилик ҳаракатлари атрафида баъ-
зи хорийқий оммавий ахборот воси-
талари томонидан кўтарилган сохта
шов-шувлар, бўхтон ва уйдирмалар
мисолида ўз бошимиздан кечирдик.
Шу уринда яна бир бор айтиш ке-
раки, аниқ бир марказ тарафидан
ташқил этилган ва бошқарилган бу
каби ахборот таҳдидлари мамлака-
тимизга четдан туриб таъсир ва
таъкид қўришига, бизни ўз тана-
лаги йўлимиздан қайтаришга урини-
дан бошқа нарса эмас.

Ахборот оламидаги устувлик кўп
нарсани ҳал этадиган бугунги вази-
ят ҳар қайси мустақил давлатдан ўз
миллий манфаатларини нафақат си-
ёсий, иқтисодий, ҳарбий жиҳатдан,
балки инфоромацион ҳавфсизлик ну-
қтаи назаридан ҳам қатъият билан
ҳимоя қилишни талаб этади.

Шу нуқтаи назардан қараганда,
матбуотимиз фаолиятида жаҳонда
ва мамлакатимизда рўй бераётган
воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятига чу-
қур кириб бориш, уларни теран таҳ-
лил ва тақдир қилиш, мавжуд кам-
чилик ва муаммоларни очиб бе-
ришда ҳали-бери оқсоқлик сезил-
моқда.

Айни пайтда бизнинг бугунги
ҳаётимизни, давлат ва жамият юқи-

ни ўз елкасида кўтариб келаётган
инсонларнинг орзу-интилишлари-
ни атрофлича ва кенг ёритиш, де-
мократик қадрларни одамлар
онига синдириш, тараққиётимиз
йўлида тўсиқ бўлиб турган куч ва
ғовларга қарши курашиш бораси-
да журналистларимизда қатъият-
гина халқ орасида чинакам обрў-
эътибор қозона олади. Бундай ҳолатларга
барҳам бериш, матбуотимизни жа-
ҳон андозалари даражасига кўта-
риш учун олдимизда турган энг
долзарб масалалар бу мавжуд
қонун ҳужжатларини такомиллашти-
риш, соҳанинг моддий-техник ба-
засини мустаҳкамлаш, журналист
қадрлар тайёрлаш ва уларнинг ма-
ласини оширишга қаратилган чора-
тадбирларни амалга ошириш
билан боғлиқ.

Жамиятимизда том маънодаги
фикрлар хилма-хиллиги ва қараш-
лар ранг-баранглигига эришиш
учун нодавлат оммавий ахборот
воситалари фаолиятини кенг йўлга
қўйиш, жамоатчилик телеканални
шақллантириш масаласи алоҳида
аҳамият касб этади.

Шу борада оммавий ахборот
воситаларини қўллаб-қувватлаш
бўйича мустақил жамоатчилик фон-
ди тўзилаётгани, Ўзбекистон Мил-
лий университети қошида икки йил-
лик олий журналистика курси таш-
қил этилгани, матбуот ходимлари
фаолиятини рағбатлантириш,
уларнинг машаққатли ижодий ме-
ҳнатини муносиб қадрлаш юзасидан
амалга оширилаётган ишлар яқин
қолажақда ижобий самарасини бе-
риши шубҳасиз.

Сиз, оммавий ахборот восита-
лари ходимларини бугунги кутлуғ
байрамнинг билан яна бир бор
табриклар эканман, кўпчилик юрт-
дошларимиз, керак бўлса, кенг жа-
моатчиликнинг фикрини ифода
қилиб айтадиган бўлсам, кейинги
пайтда матбуотимизда сезиларли
ижобий ўзгаришлар юз бераётган-
лигини, Ўзбекистон журналисти-
касининг ўз профессионал маҳоратини
намоён этиши, Ватанимизнинг шаъ-
ни, халқимизнинг гурурини, инсон
манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркин-
ликлари химоя қилиш борасида
билим ва тажрибаси, фаоллиги ор-
тиб бораётганини мамнуният билан
таъкидлаш жоиз деб биламан.

Мамлакатимиз матбуот аҳли кел-
гусида ҳам бугунги замоннинг ўзи
олдимизга долзарб этиб қўяётган
марраларга эришиш йўлида ўз
куч-ғайрати ва истъоддини аямай
меҳнат қилади, деб ишонаман.

Барчангизга сихат-саломатлик,
бахту саодат, ижодий ютуқлар ва
хонадонларингизга файзу барака
тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ
ФАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!
Сизларни галла тайёр-
лаш бўйича шартнома ре-
жасини мамлакатимизда
биринчилардан бўлиб му-
ваффақиятли адо этган-
нингиз билан чин қалб-
имдан табриклайман.

Жазирама жануб офто-
би ва ҳаёт синовларида
тобланган, мард ва ори-
ятли Сурхон воҳаси дех-
қонларининг 223 минг
тоннадан зиёд юксак хи-
ром бунёд этиб, гектари-
га 50 центнердан ҳосил
қўтаргани авваломбор
фидокорона меҳнат, ҳар

қарич ердан омилкорлик
билан фойдаланиш самара-
сидир.
Яқинда вилоят далалари-
да бўлиб, сиз, қадрдон-
ларим билан бўлган самимий
мулоқотлар чоғида етишти-
рилган мўл ҳосилни кўриб,
сизлар қатори мен ҳам бе-
ҳад қувонган эдим. Бугун-
ги улкан меҳнат ғалабаси
барчамизнинг хурсандчи-
лигимизга хурсандчилик
қўшади, руҳимизни янада
кўтарди.

Сизлар эришган бу ютуқ
Сурхондарё вилоятида гал-
лачиликка, қишлоқ ҳўжали-

нинг истиқболини белги-
лаб берадиган фермерлик
ҳаракатига бўлган катта
эътибор, маҳаллий шаро-
итга мос сервосил навлар-
ни танлаб экиш, илгор аг-
ротехника усулларини кенг
қўллаш, энг муҳими, одам-
ларнинг ўз меҳнатидан
манфаатдорлигини оши-
ришга қаратилган саъй-
ҳаракатларнинг бугун қан-
дай амалий натижалар бе-
раётганини яққол намоён
этади.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Фалласи мўл юртнинг
дастурхони тўкин, эртан-
ги кундан кўнгли тўк
бўлади. Шу маънода,
воҳа меҳнатқашларининг
бу ютуғи нафақат қишлоқ
ҳўжалиги, балки иқтисо-
диётнинг бошқа соҳалари-
да ҳам салмоқли натижа-
ларга эришиш учун мус-
таҳкам пойдевор бўлиб
хизмат қилишига ишон-
чим комил.

Сизларни бугунги ғала-
ба билан яна бир бор қут-
лаб, барчангизга ўзим-
нинг эзгу тилақларим ва
ҳурмат-эҳтиромимни из-
ҳор этишдан бахтиёрман.

Хирмонингиз янада ба-
ракали бўлсин, асло кам
бўлманг, азиз дўстларим!



МАМЛАКАТИМИЗДА МИЛ-
ЛИЙ МАТБУОТ РИВОЖИГА,
УНИНГ ТОМ МАЪНОДА ЭРКИН
ФИКР МИНБАРИГА АЙЛА-
НИШИГА КАТТА ЭЪТИБОР
ҚАРАТИЛМОҚДА. БУ ЖАМИЯТИНИ
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА
ЯНГИЛАШ, МАМЛАКАТИНИ
МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ИСЛОХ
ЭТИШ БОРАСИДА УСТУВОР
ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ
ХИСОБЛАНАДИ.

Президент Ислом
Каримов Олий Мажлис
Кўнунчилик палатаси ва Сена-
ти кўшма йўғлишидаги
маърузасида Ўзбекистонда
демократик янгилашлар
жараёнини чуқурлаштириш
ва фуқароларнинг эркин-
ликлари ташминлашининг
ғоят муҳим шартини - бу
оммавий ахборот воситалари-
ни ривожлантириш учун де-
мократик андозаларни жо-
рий этиш бўйича аниқ ва из-

ЖУРНАЛИСТЛАР БАЙРАМИ

чил чораларни амалга оши-
ришди, дея таъкидлаган эди.
Ўзбек Миллий академик
драма театрида 27 июн - Мат-
буот ва оммавий ахборот
воситалари ходимлари кунини
муносабати билан ўтказилган
анжуманда шу ҳақда сўз бор-
ди.

Давлатимиз раҳбари Ислом
Каримовнинг Матбуот ва омма-
вий ахборот воситалари хо-
димларига йўғланган табриги-
ни Ўзбекистон Республикаси
Президенти Давлат мас-
лаҳатчиси Хайриддин Султо-
нов ўқиб эшитди.

Бугунги кунда жаҳонда ке-
чаётган турли жараёнлар, шу
жумладан, тинч мамлакатлар
барқарорлигини издан чиқа-

риш йўлида ахборот хуружи
аваж олаётгани юртимиз омма-
вий ахборот воситалари хо-
димларидан янада хушёр,
оғоҳ ва фаол бўлишни талаб
этаётди.

Айни пайтда бугунги шид-
датли замон мамлакатимизда
ислохотларни чуқурлашти-
ришнинг муҳим таркибий қис-
ми бўлиши оммавий ахборот
воситалари фаолиятини яна-
да эркинлаштириш, улар-
нинг мустақиллиги ва эркин-
лигини тўлароқ таъминлаш,
журналистларнинг касб
маҳоратини муттасил замон
талаблари даражасида оши-
риб боришни тақозо этмоқ-
да.

Ўзбекистон Журналистла-
ри ижодий уюшмаси таша-
буси билан ҳар йили ташқил
этиб келинаётган «Йилнинг
энг фаол журналисти» кўрик-
танлови ҳам айнан шу мақ-

садларга хизмат қилади.
Тадбирда мазкур танлов
ғолибларига муқофолар
топирилди.

Йўғлишида Республика
Хотин-қизлар кўмитаси таш-
қил этган «Аёл омон
бўлса...» республика танло-
ви, Маданият ва спорт иш-
лари вазирлигининг «Энг
фаол спорт журналисти»
танлови ғолиблари ҳам тақ-
дирланди.

Тадбирда санъат усталари
ва ижрочи ёшлар ишти-
рокида катта концерт на-
моиши этилди.

Анжуманда Ўзбекистон
Республикаси Бош вазири-
нинг ўринбосари, Республи-
ка Хотин-қизлар кўмитаси
раиси С.Иномова иштирок
этади.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири



НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАР
БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати -
Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг
навбатдан ташқари съезди бўлиб ўтди. Унда Ко-
ракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тош-
кент шаҳридан делегатлар катнашди.

Анжумани партиясининг Кенгаши Ижроия кўмитаси
раиси М.Тешабоев очди.

Съездда мамлакатимизда жорий этилаётган туб иқти-
содий ислохотлар жараёнида аҳолининг энг фаол қис-
ми - тадбиркорлар, фермерлар, ишбилармонлар ман-
фаатларининг ифодачисини сифатида ўз фаолиятини бош-
лаган мазкур партия олдида қўйган дастурий мақсадла-
рини изчил амалга ошираётгани алоҳида таъкидланди.

Маълумки, ўтган йилги Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кўнунчилик палатасига сайловлар яку-
нига кўра, ЎзЛиДеП парламент фракциясида кўпчилик
қўралига эга бўлди. Бу партия зиммасига юртимизда олиб
борилаётган жамиятни демократлаштириш ва янгилаш,
мамлакатни ислох қилиш ва модернизациялашга қарат-
илган ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш
жараёнида янада катта масъулият юклайди.

Съездда шу йил 13 май кунини Андижон шаҳрида со-
дир этилган воқеаларга муносабат билдири-
либ, бу ҳунрезликлар четдан туриб режалаштирилгани,
юртимиз тинчлиги ва осойишталигини кўра олмайдиغان
ғараз ниятли кучлар томонидан амалга оширилгани таъ-
кидланди.

Анжуман иштирокчилари ана шу воқеалар ортида тур-
ган кучларнинг ёвуз мақсадларини очиб ташлаш, бун-
дай ғаразли ниятларга қарши курашни янада кучайти-
риш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида мустақиллиги-
мизнинг аҳамиятини кенг тўлуштириш зарурлигига ало-
ҳида эътибор қаратдилар.

Партиянинг Президентимизнинг Олий Мажлис пала-
таларининг кўшма мажлисидаги маърузасида давлат этил-
ган вазифалардан келиб чиқиб бойитилган, давлат ва
жамият ҳаётининг барча жаҳдаларини эркинлаштириш-
нинг устувор йўналишлари қамраб олинган энг дасту-
рий қабул қилинди. Шунингдек, партия Низомига бир
қатор ўзгаришлар киритилди.

Съезд ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири
Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

(ЎЗА)

Танлов ғолиблари:
Озод ШАРАФИДДИНОВ,
«Жаҳон адабиёти» журнали бош
муҳаррири
Ижтимоий-сиёсий мавзудаги
публицистик мақолалар туркуми
учун
Омирбой ЕСБЕРГЕНОВ, Қо-
ракалпоғистон телевидениеси
спорт шарҳловчиси
Спорт мавзудаги «Ким эгчил,
ким чаққон?», «Чаққонлик май-
дони» телекурсувалари учун
Тоҳир НОРКУЛОВ, Ўзбеки-
стон Миллий ахборот агентлиги
фотомухбири
Республикамизда ижтимоий-
иқтисодий, маданий-маърифий
ислохотларни амалга оширишда
замондошларимиз ҳаётини акс
эттирувчи фотосуратлар туркуми
учун
Ҳамид НОРКУЛОВ, Урта Чир-
чик тумани «Машъал» газетаси
муҳаррири
Долзарб мавзудаги муаммо-
ли-таҳлилий мақолалари учун
Хайрулла НУРИДИНОВ,
Ўзтелефрадиокомпанияси «Еш-
лар» телеканали «Давр» дирек-
цияси директори
Ўзбекистонда мамлакат тинч-
лиги ва осойишталигини мус-
таҳкамлаш, миллий ҳавфсизлик-
ни таъминлаш юзасидан олиб
борилаётган сиёсатни кенг оми-
мага етказиш ва ижтимоий-сиё-
сий мавзулардаги туркум таҳли-
лий курсатувалари учун
Маъруф ОТАХОНОВ, «Ово-
зи тожи» газетаси бўлим муҳар-
рири

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ-2004»
танлови ғолибларини эълон қилади:

Буюк алломалар ҳаёти ҳамда
маданий-маърифий туркумдаги
мақолалари учун

Наталья ШАКИРОВА, «Правда
Востока» газетаси ўз мухбири
Ижтимоий-сиёсий ислохотлар
самараси ва муаммолар ечимига-
бағишланган мақолалари учун
Куйидаги журналистлар
ижодий танловнинг
рағбатлантирувчи муқофотига
сазovor бўлдилар:

Перхан АЛЛАМБЕРГЕНОВА,
«Ешлар» радиоканали «Камолот»
муҳаррири катта муҳаррири
Холмурод АЛЛАНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси МХХ че-
гара қўшинлари матбуот маркази
бошлиғи
Ғайрат БОБОКУЛОВ, «Паст
Дарғом» газетаси муҳаррири
ўринбосари

Малик Бой МУХАММАД, «Ҳам-
роҳ» ҳусусий газетаси масъул му-
ҳаррири

Сайди УМИРОВ, Ўзбекистон
Давлат жаҳон тиллари универси-
тети ўқитувчиси
Татьяна ХЛЯКИНА, Ўзбекис-

тон Телерадиокомпанияс «Тош-
кент» телеканали катта муҳарри-
ри

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўми-
таси Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2004 йил 25 май-
даги «Ўзбекистон Хотин-қизлар
кўмитаси фаолиятини қўллаб-қув-
ватлаш борасидаги қўшимча чора-
тадбирлар тўғрисида»ги Фармони
ижросини таъминлаш, аёлларнинг
нуфузини, уларнинг жамият ҳаёти-
да тугган ўрнини мустаҳкамлаш ва
хотин-қизларнинг юртимизда ке-
чаётган демократик жараёнларда-
ги иштирокини кучайтириш, аёл
зотини эъзозлаш ва улуғлаш мақ-
садида оммавий ахборот восита-
ларида фаолият қиртаётган ижод-
корлар ўртасида

«АЁЛ ОМОН БЎЛСА...»

номли хотин-қизлар ҳаёти,
ижоди, фаолияти, муаммолари,
Ватанимиз раванқи йўлида қилин-
ган ишлар ҳақида матбуот саҳи-
фаларида ёритилган энг яхши ма-
қола, телекурсув, лаҳза, радио-
эшиттириш ва фотокўргазмалар

қўрик-танловини эълон қилган
эди.
Мазкур танловга Ўзбекистон
аёлларининг ҳаёти, орзу ва инти-
лишлари, ижодий зафарлари, тад-
биркорлик, фан, адабиёт, таълим,
санъат ва бошқа турли соҳаларда
меҳнат қилаётган ҳамюртларимиз
ҳақидаги мақолалар, лаҳзалар,
фотокўргазмалар, курсатув ва ра-
диоэшиттиришлар тақдим этилди.

Танлов республикамизнинг
барча худудларида ўтказилди.
Тошқирилган ижодий ишлар юр-
тимизда аёлларга бўлган ҳурмат
ва эҳтиром юксаклиги, жамият
ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни ва
роли беқиёс эканлигини кўрсат-
ди. Барча номиницилар бўйича
топширилган ишларни ҳайбат
аъзолари кўриб чиқиб, қуйидаги-
ларни танлов ғолиби деб эълон
қилди.

«Энг яхши мақола» номина-
цияси бўйича Муқаддас (Солиҳ
қизи) Абдусаматова - «Оналик бах-
ти» рисоласи ва аёлларга бағиш-
ланган туркум мақолалари учун;
«Энг яхши фоторепортаж»

номиницияси бўйича «Маърифат»
газетасининг фотомухбири Бур-
хон Ризоқулов қишлоқ аёл ўқиту-
чиларига бағишланган туркум су-
ратлари учун;

«Энг яхши радиоэшитти-
риш» номиницияси бўйича «Еш-
лар» радиосининг гуруҳ раҳбари
Муқаддас Халилова «Аёл ва жа-
мият» радиоэшиттириши учун;

«Энг яхши телекурсув» но-
миницияси бўйича «Ўзтелефрадио-
компанияси» «Маънавият» студия-
си мухбири Нафиса Зоҳидова ре-
спубликамизнинг фаол, зиёли аёл-
лари ҳақидаги «Зийнат» туркум
курсатувалари учун;

«Энг яхши радиолавҳа» но-
миницияси бўйича «Машъал» ра-
диосининг мухбири Олимахон
Ҳамроева Тошкент шаҳри хотин-
қизлар колониясидан тайёрлаган
радиолавҳалари учун сазовор
бўлди.

Тақдим этилган барча ишлар
қўриб чиқилиб, ишларнинг сало-
ҳияти, иштирокчиларнинг фило-
лиги ва ижодкорларнинг серқирра-
лиги инобатга олиниб,
«Энг фаол танлов иштирок-
чиси» номиницияси бўйича Жа-
ҳонгир Абубакиров;

«Энг изланувчан ижодкор»
номиницияси бўйича Муборак
Юнусхўжаева;

«Серқирра ижодкор» номи-
нацияси бўйича «Ўзбекистон» ра-
диосининг мухбири Нилуфар
Пўлатовани Ўзбекистон Хотин-
қизлар кўмитасининг эсдалик
совгалари билан тақдирлашга
қарор қилинди.

Президент Фармонлари:

ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ ПЙДЕВОРИ

Юртбошимиз таъкидлаганидек «Аёллар меҳри ва чексиз меҳнати билан ҳар қайси оиланинг бахти-саодати, бутун жамият ва давлатнинг ободлиги, барқарорлиги, тинчлиги таъмин этилади ва мустақамланади».

ватлашди. Айни пайтда кўплаб буюртмалар қабул қилаётган тadbirkор Гулбаҳор опа ҳамда кўл остидаги қизларнинг кўли-қўлига тегмайди. Меҳнатидан қадр топаётган қизлар тонгдан қадрдон ишончасига ошиқишади.

Президентимизнинг тadbirkорликни ривожлантиришга оид Фармонлари ва қарори нафақат бугунги иқтисодийётимиз таракқиётига, балки мамлакатимиз келажакига, халқимиз фаровонлигига эришишга ҳам хизмат қилиши шубҳасиз.

ГУЛБАҲОР ВА УНИНГ ШОГИРДЛАРИ

Асли касби ҳамширалик бўлишига қарамай, ота-онаси, таниш-билишлари кўмағида 1997 йилда тadbirkорлик фаолиятига кўл урди. Дастлаб тикувчилик цехи очди. Бу касбга қизиқувчан 6 нафар қизга иш ўргатди.

Кундан-кунга опанинг кўл остида ишлагани хохловчилар кўпайиб бормоқда. Шу боисдан, фаолият турлари ҳам кенгаймоқда. Аёллар ва эраклар учун гўзаллик салони ва бошқа маиший хизмат турларидан кўпчилик баҳраманд бўлмоқда.

лар айтиш мумкин. Бу ерда касб ўрганаётган ёшлар етук мутахассис бўлиб етишишяпти. Уларнинг эур иштиёб билан касб сирларини ўрганишга бел боғлаганликларини ҳаракатлари-ю, танлаган касблари ҳақида жўшиб гапиришларидан ҳам англаш мумкин.

бермайди. Шубҳасиз, ўша чекка жойларда фаолият олиб бораётган ўқув курслари ҳамда билим юртиларида ҳам сифатга эътибор билан қаралса, албатта маркази аинтилишга ҳожат қолмайди. Гулбаҳор опа Юсупова бунини жуда яхши билади.

нинг тadbirkорлиги боис иш билан таъминланганларнинг бари унга қамарбағона ёшлардир. Яққою ягона ўғли эса суянган тоғи, орзу умиди, эзу ишлари давомчиси. Кўтаринки қайфият боис опа куну тун елиб-югурса ҳамки чарчаш нималигини билмайди. Шу туфайли жорий йилда туманда бўлиб ўтган «Ташаббус» кўрик-танловида қатнашди, фахрли ўринни эгаллади.

Р.САЙДАҲМЕДОВА, «Ишонч» мухбири

Президентимизнинг «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодийётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида тadbirkор ва ишбилармонлар учун катта имтиёзлар берилган.

КРЕДИТ ҲИСОБИГА ЯНГИ ИШ ҲҶНИ

Бухоро вилоятининг Пешку туманидаги Арабхона қишлоғида яшовчи Ҳўб Фаттовани нафақат мамлакатда, балки чет элда ҳам билишади. Асл касби инглиз тили ўқитувчиси бўлган, тақдир тақозоси билан 90-йилларнинг бошларида чорвалликка иқтисослашган фермер ҳўжалигини тузган қишлоқ мўқдори бугунги кунда миллионлаб фойда кўрмоқда. Кичик сўт заводига асос солган Фаттов фермер ҳўжалиғида 70 нафар қишини иш билан таъминлаган. 180 бош қорамол бор. «Ташаббус» кўрик-танловининг вилоят босқичида тўрт марта биринчи ўринни эгаллаган, республика танловида қатнашиб, фахрли иккинчи ўринни қўлга киритиб, Президентимизнинг махсус соврини - компьютер билан тақдирланган. Ҳ.Фаттов ҳамкишлоқларининг турмуш фаровонлигини ошириш тўғрисида гап-ўрқ кўрсатмоқда. Фидойи меҳнатлари эвазига «Шўҳрат» медали ва «Дўстлик» орденлари билан тақдирланган.

Бухоролик тadbirkор ҳоржига бориб, фермерларнинг иш фаолияти билан танишиди. Олис Осмнинг чекка қишлоғида воғя етган олдий ўзбек фарзанди талабаран ҳузурда маърузалар ўқиди. Иш тажрибалари ҳақида сўзлаб берди. Халқро сертификат олишга сазовор бўлди. Тиниб-тинчмас зиротчи ўзининг билим ва тажрибасини ошириш учун тинмай изланыпти. Иккинчи касби - агрономлик иқтисослигини эгаллаган Ҳ.Фаттов мана уч йилдирки, Бухоро давлат университетининг агроиқтисодиёт факультетида фермер ҳўжалиқларини ташкил этиш бўйича лекциялар ўқийди.

«Олий Махлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида хусусий тармоқнинг жадал ривожланишини, унинг мамлакат иқтисодиётидаги ўлуши кўпайишини таъминлаш устувор вазиға экани алоҳида таъкидланди, - дейди фермер мамнуният билан. - Зеро, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тadbirkорликни юксалтиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг «2005-2007 йилларда фермер ҳўжалиқларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ зарар кўриб ишлаётган ширкатлар тўлиқ фермерликка айлантирилляпти. Ана шундай ширкатлардан 32 таси тугатилиб, 1492 та фермер ҳўжалиқлари иш бошлади.

Дастлаб бир гектар майдонда деҳқончилик қилиш билан тadbirkорликка кўл урган эдим, - дейди Бухоро туманидаги «Арбоб Ҳайбулло» деҳқон фермер ҳўжалиғи раҳбари Мустафо Файзуллаев. - Банкнинг имтиёзли кредит маблағларидан фойдаланиб, экин майдонларини 268 гектарга етказдим.

«Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади» дейдилар. Фермер ҳўжалиғи бултур етиштирилдиган пахта ва дон ҳосилининг 50 фоизи микдорида 77 миллион сўм қарз кўтарди. Ҳар гектар майдондан ҳосилдорлик 43 центнерни, умумий даромад 242 миллион сўм, соф фойда 86 миллион сўмни ташкил этди. Ҳар бир қишига ҳисоблаганда, фойда микдори 1 миллион 459 минг сўмга етди. Банк кредити вақтида қайтарилди. Бундай мисолларни кўлаб келтириш мумкин.

Кичик бизнес таракқиёти маҳаллий ресурслардан самарали фойдаланиши, янги иш ўринлари яратиш, ишсизлик муаммосини ҳал қилиш, бозорни истеъмол моллари билан тўлдирши ва пировард натижада барқарор иқтисодий ўсишни таъминлайди. Ҳамма манбалар ҳисобидан тadbirkорларга банклар томонидан 6530,7 миллион сўм микдорида кредит ажратилиб, 1391 та иш ўринлари барпо этилди.

Тихорат банклари томонидан хусусий тadbirkорлар ва кичик бизнес субъектлариға 5817,3 миллион сўм кредитлар берилганлиғи 1100 га яқин иш ўринлари яратилишиға олиб келди. Унинг 403 миллион сўмини имтиёзли кредитлар ташкил этади. Аҳolini иш билан таъминлаш жамғармаси орқали 628,4 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилган бўлса, 101 миллион сўми оилавий тadbirkорликни ривожлантиришға йўналтирилди.

Чет эл сармояларидан ҳам самарали фойдаланилляпти. «Асака банк», «Пахта банк», «Миллий банк», «Санавтурлишбанк»лари орқали 26115,1 минг АҚШ доллари ва 5396,5 минг евро микдорида 16 та лойиҳа молиялаштирилди. Бунинг натижасида 1517 та янги иш ўрни яратилиб, ишсизлик маълум даражада камайитиришға эришилди.

Бултур фермер ҳўжалиқлариға 13,6 миллиард сўм кредит берилган бўлса, жорий йилда бу рақам қарийб 1,5 баробар ўсади. Фермер ҳўжалиқлари рентабеллик даражаси 55,4 фоиз ўсиб, пахта ҳосилдорлиғи ўртача 43 центнерға кўтарилди. Ҳар гектар ердан олинган соф фойда 321653 сўмини, ўртача ҳар бир ҳодимға тўғри келадиган фойда эса 2 миллион 524 минг сўмини ташкил этди. Фермер ҳўжалиқлариға ҳар гектар ер ҳисобиға 278 минг 313 сўм кредит ажратилди.

Масвум олдидан галлаторларға 50 миллион сўм нақд пул тарқатилди. Тўлиқ фермерликка ўтган Қоровулбозор тумани миришқорлари давлатта дон сотиш шартнома режасини республикада биринчи бўлиб бажардилар.

Бухоролик галлаторлар ҳар гектаридан 52 центнердан хирмон кўтариб, давлатта дон сотиш режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб адо этидилар ва Юртбошимизнинг табригини олишға мушарраф бўлдилар. Ҳалқчилликдан 32 миллиард 570 миллион сўм даромад, жумладан 7 миллиард сўм соф фойда олинди. Эҳтиёждан ташқари дон ва ун маҳсулотлари Эрон ҳамда Афғонистон давлатлариға экспорт қилинляпти.

Кичик бизнес ва хусусий тadbirkорлик - иқтисодиётнинг мумим тармоғи. Мўқдорларни молиявий кўлаб-қувватлашға, уларға кўпроқ микрокредитлар ахратиш, вилоятнинг хонашў ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва маҳсулотни қайта ишлаш, фермер, деҳқон ҳўжалиқларини янада ривожлантириш, аҳolini иш билан таъминлашни яхшилашға олиб келаяпти. Одамларнинг моддий манфаатдорлиғи ошиб, даромадлари кўпайиб бормоқда.

ЎЛКИН



ТАДБИРКОР МАНФААТИНИ ЎЙЛАБ...

чора-тадбирлар тўғрисида-ги фармонлари ҳамда «Тadbirkорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавабгарликни кунайтириш тўғрисида»ги қарори айни шу мақсадларға хизмат қилади.

Узбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида мазкур ҳужжатлар мазмун-моҳияти ва уларнинг ижроси юзасидан матбуот анжумани ўтказилди.

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев мамлакатимизда бозор ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тadbirkорликни ривожлантириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар, бу борада солиқ хизмати органлари олдида турган долзарб вазифалар борасида журналистларға батафсил ахборот берди.

(ЎЗА)

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Олий Махлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш фаолияти учун қабул қилинган таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тadbirkорликни ривожлантириш, бозор инфратузилмасини шакллантириш йўлидаги мавжуд гов-тўсиқларни барқарор айтиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда эркин бозор иқтисодиётни таъминлашнинг асосланган демократик давлатнинг конституцион, ҳуқуқий асослари яратилди. Жамоалар неғизинда хусусий қорхоналар, акционерлик, масъулияти чекланган жамиятлар тузилди ва бу муҳим тadbirkор давом этапти. Уларнинг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқий мақоми таъсис шартномаси ва Низомлари асосида белгиланмоқда.

Ҳужудон туманидаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш участкаси «Бухоросув-қурилиш» АЖ бошқаруви раисининг буйруғиға асосан жамият таркибидан чиқарилган динг сўм мустақил ҳўжалиқ юридувчи субъект сифатида фаолият юрғта бошлади.

Ҳар қандай қарор назорат ва ижро этиш учун чиқарилляпти. Афсуски, бошқарма хусусийлаштириш бўлими бошлиғи М.Тураев буйруқнинг баҳарийлигини назорат қилишни «ёди-дан» чекитган. Оқибатда давлат бюджетига тўлиқлиги лозим бўлган пул маблағлари ундириб олинмаган. Шартнома-битаси тузиш эса шунчаки қорғозда

маъмурияти йўлланган хатдан ҳам, қорхона ким ошди савдо-сима қўйилганидан ҳам баҳабар қолган. Бошқарма мутасаддириш бу ҳаракатни енг ичда амалга оширганлар.

ҒАЙРИҚОНУНИЙ БУЙРУҚ

ишлаб чиқариш участкаси «Қайроқтош» масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди. Унинг низоми ва таъсис шартномаси тасдиқланди ва туман ҳокимининг қарори билан юридик шахс сифатида давлат рўйхатиға олинди.

Бошқарма буйруғининг 4-бандиға асосан 30 кун муддат ичида қорхонани баҳолаш қий-матининг 30 фоизи, яъни 8739,1 минг сўм бошқарма ҳисоб рақамига, қолган 20391,1 минг сўми бир йил мобайнида ҳар чоракда тенг улушларда Давлат мўлк бошқармасининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилиши кўрсатилган. Шунингдек, икки томонлама ўзаро мажбу-

рийлар тўғрисида шартнома-битим имзоланиши ҳам назарда тутилган.

Шундан кейингина М.Тураев пировард натижани ўйлаб жамиятға хат билан мурожаат қилиб, буйруқнинг 4-банди талаблари баҳарийлашганини эслатган. Мазкур хатда агар маблағлар 13 кун ичида тўлан-маса, қорхона ким ошди савдосига қўйилиши хусусида ҳам огоҳлантирилган. Бу нима? Табиқ бошқарма икки кўрқитиб қўйишни...

Бошқармадаги қатталар барбир биланларини қилишди. Қорхона ким ошди савдосига қўйилди. Очиги бунақаси кам бўлди.

Кизиги шундаки, жамият буйруғини бекор қилиш талаб-бини қўйди.

Хусусийлаштириш ишлари олиб бориш жараёнида раҳбаримиз А.Аҳмедов вилоят давлат мўлк бошқармаси ҳодими М.Тураев хусусийлаштириш баҳосини пасайитириб беришға ваъда берганини айтди. Бунинг учун пул ййиб бериши-нинг кераклигини баён этди. Биз унинг сўзини икки қилмадик, - деди суд мажлисида гувоҳ сифатида сўралган таъсисчилар А.Аҳмедов ва М.Қушимовлар.

Суд жараёнида иш ҳужжатлари муфассал ўрганилиб, тахлил этилиб, даъвогар талаби қаноатлантирилди.

Табиқ савол туғилади. Суд

«БАРЧИНОЙ-ЛОЛА» ҚОРХОНАСИДА

Тadbirkор эски андозаларға сўяниб узокқа боролмайди. Гулистанлик Ортиғой Холбўтаеванинг ҳам орзуси бозорда муқим ўрин тутадиган махсуслот ишлаб чиқариш эди. Изланиш, интилиш ўз махсулини берди.

Асли касби тикувчи бўлган бу аёлнинг ижодкорлиғи кўпчиликка маълум эди. Матоға жон бағишлашда унинг олдиға тушадигани бўлмаган. Аммо бугун либосға жило беришининг ўзи кифоя эмас. Ортиғой Холбўтаевани қийнагани, бу борада уни кўлаб-қувватловчилар топилармикан, деган ўй бўлди. Оилада туртилган гоя даставвал маҳаллаға, сўнгра қадрдон қорхонаси «Лола-модел» қўшма қорхонасига кўчди.

Қорхона раҳбарлари Ортиғойни йлғизлатиб қўйишмади. Унинг жўяли фикрларига қувват беришди. Бир ёндан аёлларға гап-ўрқ қилиб келаятган «Тadbirkор аёл» вилоят уюшмаси ҳиммат қўлини чўзди. Хуллас, маҳаллада «Барчиной-Лола-хамкор» хусусий қорхонасига тамал тоши қўйилди. «Лола-модел» тикувчи қизлар ишлагани учун шароит яратди. Шу жумладан, тикув машиналари билан таъминланди. Кичик қорхона эса ўзининг илк махсулоти - бежирим, бир-биридан қиройили йинчоқлар ишлаб чиқара бошлади. Махсулот миқозларға маъқул тушди. Бу эса тadbirkор аёлнинг адашмаганини, истеъмолчиға манзур, рақобатбардош махсулот ишлаб чиқариш имконини топганидан далолат беради.

Кичик қорхонамизда 28 та янги иш ўринлари яратганмиз, - дейди Ортиғой Холбўтаева. - Бу билан чекланиб қолаётганимиз йўқ. Фаолиятни кенгайтириш, кадрлар захирасини яратишни дилға тукканмиз. Режа асосида 50 нафар қизларға бичиш-тиқиш сирларини ўргатляпмиз. Ҳадемай улар ҳам сафимизға қўшилишяди.

Тadbirkорлар асосан юмшоқ ўйинчоқлар тиқиш, болажонлар маънавий олами, тасаввурини бойитишға хизмат қиладиган овунчоқ яратиш пайида бўлишмоқда. Эътиборли жиҳати ҳудуддаги мактабгача тарбия муассасаларида ҳам бунга эҳтиёж катта. Қўшма қорхонада тайёрланаётган махсулот анча арзон, айни чоғда сифатли. Бу ҳолат ютуқнинг бир жиҳати. Иккинчи томони шундаки миқозлар талаб ва тақлифлари асосида қорхона ўйинчоқлар мажмуини яратиш бериши ҳам мумкин. Айниқса, болалар боғчалари ўйинчоқлар ҳайвонот оламини яратиш болалар фантазиясини бойитишға хизмат қилади. Буюртма бўлса кифоя. Тўғри, тadbirkорлар бу борада илк қадамларини қўйишди. Олдинда эса улари поёнсиз изланиш, ўз махсулотини хориз сари йўналтиришдек доволар турибди.

Юмшоқ ўйинчоқларни яратиш осон иш эмас, - дейди уста Гулсанам Турсунова. - Бу ижод, сермашқақат иш. Аммо биз бунинг улдасидан чиқдик. Миқозлар кўнглиға йўл топдик. Ютуғимиз шу.

Дарҳақиқат, кичик қорхонада тайёрланадиган махсулотлар бугун кўлма-кўл бўлиб кетди. Аввалдан буюртма бериб кетаётган миқозлар сонини ошиб борапти.

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири



**Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимида кўплаб ишлар амалга оширилди. Одамларда ўз соғлигини сақлашга тўғри муносабат уйғотиш ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатлиқни яхшилаш, тиббий маданиятни ошириш, оилани соғломлаштириш, тизимни янада ривожлантириш, унинг моддий-техника базасини мустахкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар шулар жумласидандир.**

Фаргона вилоятида ҳам тиббиётни ислох қилиш борасида ҳамда "Саломатлик-1" ва "Саломатлик-2" Давлат дастурларини жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар қилинди.

Данғара тумани соғлиқни сақлаш бўлими тасаруфида 440 ўринга мўлжалланган 5 та шифохона, 17 та амбулатория, 1 та ташхис бўлими, стоматология поликлиникалари, силга қарши кураш диспансери аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Туманда 136 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ҳозирги кунда 17 та қишлоқ врачлик пунктлари ва амбулаторияларининг моддий-техника базаси мустахкамланиб, Жаҳон тараққиёт банки кредити ҳисобидан замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан таъминланди.

-Тиббий жиҳозлар ичида ЭКГ аппарати ҳамда қоннинг биохимик таҳлили қила оладиган ФЭК ускуналари борлиги аҳоли учун катта қулайликлар яратди, - дейди туман бош шифокори К. Йўлчиев. -Марказий шифохона қошида компьютер маркази ташкил қилинди. Аҳоли саломатлиги тўғрисидаги маълумотлар компьютерда сақланади. Бу ҳисоботларни анча енгиллаштиради. "Сихат-саломатлик йили" да марказий

**2005 йил – Сихат-саломатлик йили**

ажратилди. Ҳақимлар ҳамда ўрта тиббиёт ходимлари малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагради 12 нафар ҳақим, 62 та ўрта тиббиёт ходимлари

равишда иш юритаётган замонавий ҚВП лар аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва касалларни даволашда катта қулайликларга эга бўлди. Биргина мисол. 2001 йилда замонавий лойиҳа асосида қурилган

Бу ерда 4 та умумий амалиёт шифокори беморлар дардига малаҳа бўлмоқда. Умуман тиббиётдаги ишловлар одамларнинг малакали даво топишида қўл келаяпти.

Бувайда тумани соғлиқни сақлаш бўлимида ҳам бу соҳада ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Туман ҳокимияти кўмаги билан марказий шифохонанинг туғруқхона бўлимида 30 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари олиб борилади. Келтирилган замонавий асбоб-ускуналарнинг умумий қиймати 100 миллион сўмни ташкил этади.

Тумандаги 14 та ҚВП, 49 амбулатория ва поликлиникалар аҳоли саломатлигини тиклашга йўналтирилган. Уларда жами 248 нафар ҳақимлар ва 1597 нафар ўрта тиббиёт ходимлари намунали хизмат кўрсатмоқда.

-Янги йўналишда фаолият олиб бораётган ҚВПлар аҳолига самарали хизмат кўрсатмоқда. Жорий йил охиригача яна 3 та қишлоқ врачлик пунктини ишга тушириш режалаштирилган.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатлиқни яхшилаш, тиббий маданиятни ошириш ва оилани соғломлаштириш мақсадида туман тиббиёт ходимлари ўртасида ҳафтада бир мартаба маърузалар ўқилмоқда. Бундан ташқари, "Чақалоқлар реанимацияси" дастурини амалга ошириш борасида ишлар бошлаб юборилди.

**Н.ЮСУПОВ**  
"Ишонч" мухбири

**ҲАЗРАТИ ИНСОННИ УЛУҒЛАБ**

шифохонанинг туғруқхона ҳамда болалар бўлимлари тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, 5 та ҚВП қурилади. Ушбу хайрли ишни амалга ошириш учун маҳаллий бюджетдан 75 миллион сўм

малака оширдилар. Малакали тез -тиббий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида "Дамас" русумли автоулов билан таъминланди.

"Телиминг" ҚВПси 8 минг нафар аҳолига хизмат кўрсатади. Бир кунда 75 беморни қабул қилиши мумкин бўлган мазкур шифо маскани барча касалларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатади.



Шифохонада шифокор билан беморнинг суҳбатлари.

**Ўзбекистон Бадий Академиясининг Марказий кўргазмалар залида Навоий вилояти расомларининг кўргазмаси очилди.**

**РАССОМЛАР КЎРГАЗМАСИ**

Кўргазманинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллий тасвирий санъатни ривожлантириш, машҳур мўйқалам усталари ва ёш расомларни кўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар республика ва халқаро кўргазмалар, кўриктанловлар ҳамда фестивалларда мувфақиятли иштирок этмоқда.

Навоийлик расомларининг ўзига хослиги шундаки, улар энг ёш ижодий жамоа ҳисобланади. Магометали Алиев, Нурулло Чориев, Виктор Булбаев, Владимир Бабин ва бошқа кўллаб-қувватловлар ҳамда фестивалларда мувфақиятли иштирок этмоқда.

Кўргазмада Навоийдаги тасвирий ва амалий санъат лицей-интернат ўқувчиларининг ижодига бағишланган алоҳида бўлим ажратилган.

**Спорт хабарлари**

**РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ КОМПЬЮТЕРГА ҚАРШИ**

Жаҳон шахмат Федерацияси йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов Нью-Йоркда «Аккона» корпорацияси томонидан яратилган шохмат дастури билан таъминланган компьютерга қарши дона сурди ва дуранга эришди. Саккиз йил аввал Гарри Каспаров «Дин Блю» компьютерига қарши дона суриб ютқазди қўйган эди.

Ишон тафаккури ва компьютер ўртасидаги баҳслар муҳлислар диққатини ўзига жалб қилмоқда. Шу яқин кунларда Лондонда британиялик гротмейстер, рейтинг бўйича жаҳонда олтинчи ўринни эгаллаб турган Майкл Адамс Бирлашган Араб Амирликларида яратилган «Гидре» супер компьютери билан олти учрашув ўтказди.

Июль ойи бошида эса эстониялик шохматчи Ян Элъвест «Заппа» дастури компьютер билан тўрт учрашув ўтказиши режалаштирилган.

Компьютерлар билан баҳс юритадиган барча шохматчилар учун пул муқофоти асосий эмас, балки шохматни тарғиб қилиш ва спорт чакирғи энг муҳимидир. Шундай бўлса-да, компьютерга қарши дона сурган барча шохматчилар беш рақамли катта суммани кўлга киритадилар.

**ЕКАТЕРИНА ЛАХНО ЕВРОПА ЧЕМПИОНИ**

Екатерина Лахно ва россиялик Надежда Косинцева Молдова пойтахти Кишинёвда аёллар ўртасида ўтказилган Европа чемпионатида 12 турдан сўнг тўққизтадан очко тўпладилар. Улар ўртасидаги қўшимча микроматчда 15 ёшли Екатерина 2:0 ҳисобида галаба қозониб, Европа чемпиони унвонини кўлга киритди. Европа чемпионати иштирокчиларидан 16 та энг кучли шохматчи жаҳон чемпионатида иштирок этадилар. Европа чемпионати мусобақасининг муқофот пули 41.400 доллар эди. Екатерина Лахно 7 минг АҚШ долларига эга бўлди.

**ВАДИМ МИЛОВ ЯККА ПЕШҚАДАМ**

Варшава шахрида бошланган эркаклар ўртасидаги Европа чемпионатида олти турдан сўнг 5,5 очко тўплаган Вадим Милов пешқадамлик қилмоқда. Сергей Карякин (Украина), Карен Асрян (Арманистон), Ливиу-Дитер Нисимяну (Руминия) 5 тадан очкога эга.

Варшавадаги мусобақанинг 34 та кучли шохматчиси ФИДЕ келажакда ўтказадиган жаҳон чемпионатининг финал турнирида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритадилар.

**«КОНФЕДЕРАЦИЯЛАР КУБОГИ - 2005»**

Германия яшил майдонларида ўтказилаётган нуфузли мусобақада Осиё қитъаси шарофини химоя қилаётган Япония терма жамоаси муваффақиятли иштирок этди, десак муболага бўлмайди. Улар гуруҳдаги баҳсларда Мексика билан тенгма-тенг курашда ютқазиб қўйган бўлсалар, Европа чемпиони Грецияни мағлуб этишга эришдилар. Жаҳон чемпиони Бразилия билан эса 2:2 ҳисобида дуранг ўйнадилар. Мексика ва Бразилия ярим финал иштирокчисига айландилар. Япония эса 3-ўринни банд этди.

Кунги кеча Бразилия ва Германия терма жамоалари биринчи ярим финал учрашувини ўтказдилар. Бразилияликлар 3:2 ҳисобида ғолиб чиқиб, финалга йўланма олдилар. Иккинчи ярим финалда Аргентина ва Мексика баҳс юритади. Учрашув ғолиби Бразилия билан финалда куч синашади.

**... РОБЕРТО КАРЛОСНИ ТАНИШМАДИ**

Бразилия терма жамоаси аъзоси, «Реал» клуби ўйинчиси Роберто Карлос Бело Орезонте шахрида машинада радио муҳбирга интервью бераётганида қуролланган икки босқинчи светофорда тўхтаган машинанинг олдига келиб муҳбир соати ва қўлидаги телефонини зўрлик билан олиб қўйган. Роберто Карлос мени шиллашяпти, деб тўғридан-тўғри хитоб қилган. Босқинчилар машинанинг орқа ўриндиғида ўтирган Роберто Карлосни танимаганлар.

**ЛАС-ВЕГАСДА БОКС ШОУСИ**

Асосий жанрларда оғир вазили боксчилар Султон Иброҳимов (Россия) ва Темур Иброҳимов (Ўзбекистон) қатнашдилар. Ўзбекистонлик боксчи Темур Иброҳимов бразилиялик Роджеро Лобони 4-раунднинг бошида нокаутга учратган бўлса, Султон Иброҳимов америкалик Энди Сэмплини биринчи раунддаёқ нокаут билан енгди.

**Т.ЮСУПОВ**  
тайёрлади

**ҲАРБИЙ ХИЗМАТ ДАВРИ НОГИРОНЛАРИГА ИМТИЁЗ**

**Саволларингизга ҳуқуқшунос Орифжон Ғайназаров жавоб беради**

**Савол: 1. Мен II гуруҳ ноғирониман. Фарзандимга 2001 йилда ҳарбий комиссариатда «ёлғиз ўғил ва отаси армия ноғирони», деб 2011 йилгача оқсрокча беришган. Ҳозирги кунда у сафарбарлик чакируви резерви ҳизматига (пуллик) олиниши мумкинми?**

**Савол: 2. Агар мен ишласам ойлик маошимдан даромад солиғи ушланадими?**

**Э. МУНАВВАРОВ, Форш тумани**

**Жавоб:** 1. Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунида ҳарбий хизматга қақририлиш мuddатини кечиктириш назарда тутилган. Яъни, Қонуннинг 21-моддасига кўра ҳарбий хизматга қақририлиш вақтинчалик оилавий шароитини, саломатлигини, ўқийшини давом эттиришини инобатга олиб ҳарбий хизматга қақририлиш мuddатини кечиктиришга йўл қўйилади. Демак, чақирув комиссияси Қонуннинг ушбу талабига асосланиб фарзандингизни ҳарбий хизматга ўтатиш мuddатини 2011 йилга қақдар кечиктирган.

Қонуннинг 6-моддасида эса кимлар сафарбарлик чакируви резерви (мобилизацияцион призывной резерв - МПР) сафига олиниши кўрсатилган. Ушбу тартибга кўра мuddатли ҳарбий хизматга ўтатишга яроқли, қақририлиш мuddатини кечиктириш ва қақририлишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳамда Куролли Кучлар сафига навбатдаги мuddатга қақририлмаган шахслар сафарбарлик чакируви резерви сафига олинишлари.

Юқорида таъкидланганидек, фарзандингиз ҳарбий хизматга қақририлиш мuddатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлган ва кечиктирилган. Шу сабабли Қонуннинг 6-моддаси талабидан келиб чиққан ҳолда, ўқилишининг сафарбарлик чакируви резерви сафига олинишига йўл қўйилмайди.

**Жавоб: 2.** Солиқ кодексининг 58, 59-моддаларида жисмоний шахсларнинг даромадларида солиқдан озод этилиш бўйича имтиёзлар назарда тутилган. Унда бир қатор тоифадаги шахслар учун, шунингдек сиз каби II гуруҳ ноғиронлари учун ҳам имтиёз назарда тутилган. Ушбу тартибга кўра II гуруҳ ноғирони сифатида ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридagi даромад солиғидан озод

этиласиз. (Солиқ кодексининг 58-модда, 1-қисми, 2-банди «д» кичик банди). Бундай имтиёз қўлланилиши учун ўзингиз ишлаётган корхонага ноғиронлигингиз ҳақида ҳужжат-маълумот тақдим этишингиз талаб этилади.

**Савол: аёлларга бола икки ёшга тўлгунча қақдар бериладиган нафақани олиш учун ушбу оиланинг даромади ҳисобга олинадими? Набирам 7 ойлик бўлгунча қақдар келиннинг нафақа тўланади. Шу тўғрисида?**

**Ж. МАХСУДОВ, Нурота тумани**

**Жавоб:** Хатингизда келиннингизнинг ишлаётган ёки ишламаётганлиги ҳақида ёзмагансиз. Онага бола икки ёшга тўлгунча қақдар бериладиган нафақанинг таъинлангани шундан шун оиланинг даромади ҳисобга олиниши онанинг ишлаш ёки ишламаслигига қараб ҳал қилинади. Яъни, она ишлаётган бўлса нафақа иш жойидан таъинланади. Ушбу нафақани таъинлаш учун ариза ва бола туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси тақдим этилади. Нафақа ариза берилган кундан бошлаб таъинланади. Агарда ариза ҳомиладорлик ва туғиш таътили даврида топширилган бўлса, нафақа таътил тугагандан кейинги кундан бошлаб таъинланади ва уни таъинлаш учун оиланинг даромади ҳисобга олинади.

Ишламаётган оналарга эса нафақа фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари (маҳалла фуқаролар йиғини) томонидан таъинланади. Фуқаро аризани ўзи доимий яшаб турган маҳалла фуқаролар йиғинига қуйидаги ҳужжатлар билан бирга топширади:

- бола туғилганиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- меҳнат дафтарчасининг нусхаси (аввал ишлаган бўлса);
- оила аъзоларининг ариза бергунга қақдар ўтган ўн икки ой давомидаги даромадлари тўғрисида маълумотнома;
- боланинг ноғиронлиги тўғрисида тиббий-маслаҳат комиссиясининг маълумотномаси (тарбияланаётган фарзандларидан биронтаси ноғирон бўлса);
- оила аъзоларининг таъинланганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси ёки суднинг тегишли қароридан кўчирма (зарур бўлганда);
- нафақани боланинг онаси ўрнига бошқа шахс оладиган бўлса қўшимча равишда боланинг онаси нафақани олмаётганлигини тасдиқ

ловчи тегишли ҳужжатни тақдим этади.

Ишламаётган оналарга нафақа таъинлаш масаласи, ишлаётган оналардан фарқи равишда, оиланинг даромади ҳисобга олинган ҳолда ҳал этилади.

Низомга кўра оиланинг умумий даромади оиланинг ҳар бир аъзосига энг кам иш ҳақининг 1,5 бараваридан кам бўлган миқдорда тўғри келса нафақа таъинланади.

Даромад миқдори оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик миқдордан ошиб кетмаслиги лозим. Бунинг учун ариза берган оиланинг нафақа таъинлаши сўраб мурожаат қилинган ойдан олдинки 12 ой давомидаги даромадлари ҳисоблаб чиқилади.

Оила аъзоларининг умумий даромадлари таркибига қуйидагилар кирлади:

- солиққа тортилмаган даромадлар;
- пенсиялар;
- стипендиялар;
- ижтимоий тусдаги бошқа тўловлар (болани икки ёшга тўлгунча қақдар тарбия

шад қилаётир. Ишловчиларнинг астойдил ғайрат кўрсатиб ишлаётгани боис, шу кунгача қарийб 4000 куб.-метр чиқинди ўз вақтида чиқариб ташланди. Барча кўча ва маҳаллаларда кундалик назорат ишлари мунтазам олиб бориляпти.

- Шаҳар тозаллигини сақлаш билан бирга ободончилик кўкаламзорлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор бериляпти, - дейди бўлим бошлиғи Мухомед Каримов. - Эътибор берган бўлсангиз, кейинги йилларда шаҳар ҳуснига-хусн қўшилиб, чирой очиб бориляпти. Жумладан, шу йил баҳор мавсумида 350 тул сона, 200 тул манзарали даракт, 70 минг тулдари турли гул қўчатлари ўтқа-

зилди. Шаҳар ҳокимлиғи бизнес майдонини, Ш.Рашидов, Самарқанд, Тошкент йўли кўчаларида улкан таъмирлаш

**Янги йўлнинг Файзли оқшони**

нат қилаётир. Ишловчиларнинг астойдил ғайрат кўрсатиб ишлаётгани боис, шу кунгача қарийб 4000 куб.-метр чиқинди ўз вақтида чиқариб ташланди. Барча кўча ва маҳаллаларда кундалик назорат ишлари мунтазам олиб бориляпти.


Шуни таъкидлаш жоизки, бўлим ходимларининг жонбозлиги туфайли Самарқанд, Шерматов, Улугбек, Эрматов кўчалари анчадан буён таъмирталаб бўлиб, уйдим-чуқурлигидан аҳоли ва йўловчиларнинг жиҳдий эътирозига сабаб бўлаётган эди. Ана шу асабузарликларга чек қўйилиб, йўллар қайтадан таъмирдан чиқарилди. Шу

**Йиллар мазмуни**

Йилнинг ўзида жами бўлиб 20 километр узунликдаги йўл асфальтланди. Мазкур ишларни амалга ошириш учун 25 миллион сўм маблағ сарфланди.

Худуддаги кўп қаватли уйлари таъмирлаш ишлари ҳам жадвал олиб борилмоқда. Ўтган давр мобай-

**«ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ**



**Савол: Қандай шахслар ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилди?**

**А. ЛАБДУРАСУЛОВ, Падхатчи тумани**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни 22-моддаси асосида куйидаги шахслар саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқсиз, - деб ҳисобланади:

- яқин қариндошларидан бири ҳарбий хизматга ўтатиш вақтида ҳалок бўлган ёки вафот этган чақирилувчилар;

- рўйхатдан ўтган диний ташкилотлардан бирида диний рутба эгаси бўлган чақирилувчилар тинчлик даврида мuddатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чакируви резервидаги хиз-

матга қақрилишдан озод этиладилар.

Саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқлилик даражасини аниқлаш ишлари туман чақирув тиббий комиссиялари, вилоят доимий фаолият кўрсатувчи тиббий комиссиялари ва гарнизон (госпитал) ҳарбий тиббий комиссиялари томонидан амалга оширилади. Тиббий комиссиялар Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 февралдаги 95 сонли Қарори билан тасдиқланган «Қуролли Кучларда тиббий кўрик тўғрисидаги Низом» асосида фаолият кўрсатадилар. Ушбу Низом талаблари асосида ҳарбий хизматга ўтатишга қаршиллик қиладиган руҳий, асаб, ички, хирургик, қулоқ-томоқ, стоматологик, кўз, тери-таносил касалликлари бор бўлган чақирилувчилар ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилдилар.

Ана шундай касалликлар бўлган шахслар, бу улар ҳарбий хизматга юборилмайдилар, - дегани эмас. Улар муфассал

**КИМЛАР ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЯРОҚСИЗ ҲИСОБЛАНАДИ**

**Саволингизга Тошкент ҳарбий округи ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси Адлия подполковниги Алибек Чегебаев жавоб беради**

тектирилиб, даволанишлари учун имкон берилади. Агар даволаш муолажалари самара бермаса, яқиний қарор чиқарилади. Бундан ташқари, чақирилувчиларнинг бўйи ва вазили учун ҳам қатор чегараланишлар мавжуд.

**Савол: Ҳарбий хизмат даврида ноғирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчиларга қандай имтиёзлар мавжуд?**

**Ў. ҲАСАНОВ, Бекбод тумани**

**Жавоб:** Ҳарбий хизматга ўтатиш даврида ёки ҳарбий бурчини бажариш пайтида касалланган, жароҳат олган ёки ноғирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар аввало ҳарбий тиббий муассасаларда даволанадилар ва уларнинг

ҳарбий хизматга лойиқлик даражаси аниқланади. Ҳарбий хизматдан касаллик ёки жароҳат оқибатлари асосида бўшаган собиқ ҳарбий хизматчилар даволаниш, ноғиронлик туфайли нафақа олиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 мартдаги 38 сонли Қарори асосида суғурта пули берилиши, 1996 йил 30 апрелдаги 168-32 сонли Қарори асосида эса, уларга хизмат бурчини бажаришда олган тан жароҳатлари туфайли бир мартаба бериладиган пул таъминоти ҳам назарда тутилган.

**Савол: Ҳарбий хизмат даврида ноғирон бўлиб қолганларнинг қайси тоифаси Иккинчи жаҳон уруши ноғиронларига тенглаштирилган?**

**Жавоб:** Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли Қарорининг 2-иловасига биноан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат пенсия таъминоти» тўғрисидаги Қонунининг 28-моддасига асосан Иккинчи жаҳон урушида ҳаракатдаги Армия сафида, бошқа урушларда ва Ўзбекистон Республикасининг химоя қилишда ярадор бўлган, контузия ва жароҳат олган ҳарбий хизматчилар Иккинчи жаҳон уруши ноғиронларига тенглаштирилганлар.

матга қақрилишдан озод этиладилар.

Саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқлилик даражасини аниқлаш ишлари туман чақирув тиббий комиссиялари, вилоят доимий фаолият кўрсатувчи тиббий комиссиялари ва гарнизон (госпитал) ҳарбий тиббий комиссиялари томонидан амалга оширилади. Тиббий комиссиялар Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 февралдаги 95 сонли Қарори билан тасдиқланган «Қуролли Кучларда тиббий кўрик тўғрисидаги Низом» асосида фаолият кўрсатадилар. Ушбу Низом талаблари асосида ҳарбий хизматга ўтатишга қаршиллик қиладиган руҳий, асаб, ички, хирургик, қулоқ-томоқ, стоматологик, кўз, тери-таносил касалликлари бор бўлган чақирилувчилар ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилдилар.

Ана шундай касалликлар бўлган шахслар, бу улар ҳарбий хизматга юборилмайдилар, - дегани эмас. Улар муфассал

ҳарбий хизматга лойиқлик даражаси аниқланади. Ҳарбий хизматдан касаллик ёки жароҳат оқибатлари асосида бўшаган собиқ ҳарбий хизматчилар даволаниш, ноғиронлик туфайли нафақа олиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 мартдаги 38 сонли Қарори асосида суғурта пули берилиши, 1996 йил 30 апрелдаги 168-32 сонли Қарори асосида эса, уларга хизмат бурчини бажаришда олган тан жароҳатлари туфайли бир мартаба бериладиган пул таъминоти ҳам назарда тутилган.

**Савол: Ҳарбий хизмат даврида ноғирон бўлиб қолганларнинг қайси тоифаси Иккинчи жаҳон уруши ноғиронларига тенглаштирилган?**

**Жавоб:** Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли Қарорининг 2-иловасига биноан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат пенсия таъминоти» тўғрисидаги Қонунининг 28-моддасига асосан Иккинчи жаҳон урушида ҳаракатдаги Армия сафида, бошқа урушларда ва Ўзбекистон Республика

Маънавият

Инсон ҳамisha эзгуликка интилиб, яхшиликка сивгиниб яшайди. Юраги меҳр-муҳаббатга, ёғдуга тўлиб олдинга интилади. Баҳор келишини, тезроқ гуллар очилишини умидвор бўлиб кутади. Соғинч билан турналар йўлига қарайди.

ҚАЛЪДАГИ НУР ёхуд саховат сабоғи

Умр эса оқар дарёдек оқиб кетаверади. Тириклик ҳам кўз очиб юмгунча ўтади. Меҳрдан, эзгуликдан барпо этилган муҳташам иморатлар, яхшиликдан нур олиб битилган китоблар инсоннинг номи бўлиб яшайди. Шундан бўлса қарақчи, Навоийни ёд этганимизда фақат унгагина хос нодир сатрлар нур бўлиб кўнглимизни еритади. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд, Имом ал-Бухорий, Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Румийнинг маънавият гулшанлари руҳимизга қувват, йўлимизга чироқ тутади. Самарқанд Бухородаги минораю мадрасаларга боқиб бобаконларимиз тафаккурига, салоҳиятига қойил қоламиз. Улар қаршида ўз ўзидан қадимиз тикланади, юракда ворислик туйғуси жўш уради, шу азиз юртва муҳаббат, гурур ва масъулият эзгуликларга бошлайди. Меҳр эса юртнинг соғинчи бўлиб шох Бобурнинг газалларини юрагимизга чизади. Акбаршоҳ, Шохжаҳон тимсолида улкан қосоналар қад ростлайди. Демак, одамзоддан бу дунёда яхши ному эзгу иш қолади.

Саховат эса қалбнинг бебахо гавҳари бўлиб инсонни юксакка кўтарди. Ҳазрат Навоий бобомиз меҳр-оқибатли инсонларни кўкдаги қуёшга, бахилларни эса қуртқумуркаларга ўшатадилар. Инсоннинг энг аввал қалби гузал, кўнгли, гурури баланд бўлсин. Бойлик, мартаба кўнглини кири. Ювсанг кетади. Маънавий бой бўлмаган киши олтину жавоирлари бўлгани ҳолда қалбдан қашшоқлигича қолаверади. Шу ўринда ўзим қўриб гувоҳ бўлган бир тўй тафсилотини баён этмоқчиман. Отаси бир умр сувчилик қилиб, бир яктаги икки бўлмаган тафтишчи ўғил элга тўй бермоқчи ният қилди. Тўйга бир ой тайёргарлик қўришди, қўшни хотинлар атласу бахмал қўрпачаларни қавишдан тортиб, тўйчи боланинг сарпояларига тикиб беришди. Бир ҳафта олдин маслаҳат олиб берилди. Шу кундан бошлаб қишлоқнинг катта-кичиги Ориф сувчинига, йўге, Мурод ревисорниқига хизматда бел бошлаб келди. Кимдир катта мис қозонда ош дамласа, бошқаси чодир қўраётган уста ёрдамга келди. Касослар пилочларини чархлар қон чикаришди, ошпазлар эса таңдир каюблару қазикарталарни тайёрлаб қўйишди. Пойтахтдан ман-ман деган артистлар тўйга тақлиф қилинди.

Лекин, тўй ҳеч кимга таъминади. Тўғрироғи, тўйга қишлоқдан ҳеч ким қатнашмади ҳисоб. Ҳатто энг тўялончи, қулқосиз болалар ҳам остана хатлаб ҳовлиларидан чиқишмади. Телевизорда тез-тез кўринадиган машҳур қўшиқчининг етти маҳаллани тўйга чорлаб айтаётган қўшиғи ҳам ҳеч кимни ўрнидан кўзгоғи талмади. Шу кун миң йиллардан бери қатангоу офатлардан ҳам омон ўтган қишлоқ худуми бузилди. Кўз қўриб қулқос эшитмаган бир оғиз сўзининг захридан қариялар ёқа ушлашди, эркакларнинг мушти тугилди, аёллар кўзига мунг кўнди, болакайлар эса ёшларига нисбатан улғайгандек бўлишди. Барча бекалар келишгандек шу кун уйларида ош дамлашди.

Йўқ, қишлоқда ҳеч ким қазо қилмаган эди. Фақат... Тўй куну чошгоҳ...

да Мурод ревисор отасини қақриб шундай деди: - Тўйга «қазо-қазолар» келади. Мана бу исқирларнингизни (хизматга келган қўшнилари кўрсатди) йўқотинг. Ота хайрат билан ёқасини ушлади. - Анграймай тезроқ айтганимни қилинг. Ҳали замон меҳмонлар келади. Уяламан буларнингизни меҳмонларим қўришидан. У қўлларини ёйиб атрофдагиларни кўрсатдию ерга туپурди. Ота «жим» деб ўғлининг оғзига урмоқчи бўлди. Ревизор ўғил эса уни бир силтаб, стол бе-заётган ресторан хизматчилари томон кетди. Тўйхонани биринчи бўлиб қайвона аёл тарқ этди. Сўнгра қўшнилари... Тўйхонадан файз кетди. Микрофонларни садоси етти маҳаллага етсада тўйхона жимиб қолди. Минг кишига мўлжалланган дав-рага зўрга 200 киши тўпланди. Дошқозонларда дамланган ошнинг усти очилмай қолиб кетди. Ориф сувчи йўлаб қўшил-ларниқига борди, ўғли ҳар хонадонга кириб кечирим сўради... Барибир тўйга ҳеч ким келмади... Қозон-қозон овқатлар сувга оқизилди. Ориф сувчи шу кундан бошлаб остана хатлаб кўчага чиқмади. Тафтишчи ўғли қишлоққа қайтиб келолмади. Йил ўтмай камалиб кетди. Ҳамсоғлар ҳамон Муродни аслашганда «Кун кўрмаган кундуз куну чироқ ёқар» деб қўйишди. Мол-дунёни беҳуда со-вуршида саховат йўқ, исрофда эса ҳиммат. Саховат нурдек покиза ниятдан ту-ғилади, у бегараз ва самими-й бўлмоғи керак. Аллома ёзувчимиз Ойбекнинг олижаноб инсоний фази-латлари ҳақида ҳозир ҳам ҳамкасблари фахрлианиб ҳикоя қилишади. Бир кун Ойбек домла бол-зор айланиб юрсалар, кекса бир онахон эски наматыни ушлаб, ўтган-кетганларга со-тиб олишга деб илтижо қилаётганини қўриб қолади-лар. Юпунгина кийинган кам-пирга ачиниб, керак бўлма-са ҳам наматга харидор бўладилар, уни мақтаб-мақ-таб айтган пулига сотиб ҳам оладилар. Аммо наматни ўраб кетишга бирор нарса топиб келай деб кетиб, шу кетганча қайтиб келмаган эдилар. Онахон домлани кут-иб-кутиб охири наматыни кўтариб уйига жўнабди. Ёзувчининг донолиғи-ю андишаллигини қарангки, камбағалликда хаёлланиб турган онахонни шунчалик айдилар, унинг юрагини оғритиб қўймаслик учун минг бир хижолат, андиша билан «ёлгон» ишлатдилар. Одамнинг қалби бир дунё. Қайбдадек, муҳаддас саҳда-гоҳ. Зеро, меҳр-муруват қалбдан қалбга нур бўлиб кўчади, эзгулик йўлида чи-роқ бўлиб қорлайди. Бу чи-роқни бир киши ёқса, унинг ёғдусидан минг киши баҳ-римад бўлади. Келинлар, азизлар, бир-биримизнинг юкимизга елка тутайлик. Бир-биримизнинг кўнглимизга тегароқ боқай-лик. Элимизнинг севимли шоири Мақсуд Шайхзода айтганларидек: Дўстлар яхшиларни аяллов сақинг, Салом деган сўзинг салмоғин оқланг, Уларда юз сотат йиллаб тургандан, Уни тўғрида бир сотат йўқсанг.

Кўйиш энергияси ёрдамида Фан ва техниканинг хозирги тараққиёт босқичига асосланиб, келажакдаги янги кашфиётларни изохлаб берувчи фантастик асарлар кўп. Атоқли ёзувчи Алексей Толстойнинг «Мухан-дис Гариннинг гиперболоиди» романи ҳам шундай кизиқарли асарлардан бири. Кейинги йилларда кўп олим-лар бу романнинг техник то-мони зарарли, Гарин гипер-болоидига ўхшаш аппаратни яратиб бўлмайди, деб ҳисобла-шарди. Аммо лазер ва мазерлар-нинг кашф этилиши бу асардаги фикрларнинг тўғрилигини озми-кўпми исботлади. Кўйиш энергияси асосида ла-зернинг яратилиши нур устига аъло нур бўлди. Ўзбекистон Фан-лар академиясининг Паркент ту-манида жойлашган материалшу-нослик институти омиллари са-маралари изланишлари лазернинг оптик тизими конструкциясини яратиш учун йўл очиб берди. Ҳозирнинг ўзида гелиостат майдон ёрдамида импульс ҳосил қилишнинг дастлабки варианты

ишлаб чиқилди. Айна вақтда лазер учун мах-сус стенд тайёрланди. Ана шу илмий кузатишларни тажрибада синая кўришда «Академаскоб» илмий ишлаб чиқариш бирылаш-маси олимлари тавсиялари ҳам кўл келади. Ядро физикаси ин-ститутида эса кўйиш энергияси бўйича лазерни масофадан ту-риб бошқариш тизими яратил-моқда. ҚИЗИҚИШ БИЛАН ТИНГЛАНДИ Мамлакатимизда Қашқадарё

ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН

Юртимиз қадимдан илм ва маърифат ўчоғи бўлиш билан бирга, ўзининг на-фис санъати ва моҳир тўқувчилари билан донг та-ратган. Ўзбек ипагидан тўқилган Марғилон атла-сининг таърифи ўз вақтида Чин-Мочинда ҳам машҳур бўлган. Бугун ҳам ёшларимиз аждодлар аънанасини давом эттирмоқда. Бунда моҳир чеварлар ташаббусни бер-май келяптилар. Истиқлол шарофати ила ташкил этил-ган «Машхура» фирмаси до-вругрини республикада эши-тмаган киши бўлмасе керак. Кўкон шахрида фаолият кўрсатаётган ушбу фирма филиали иш бошлаганига унча кўп вақт бўлмади. Қис-қа вақт мобайнида ёш қиз-лар тикувчилик ва бичувчи-лик сирларини ўрганиб олди. - Шогирдларимиз иш-тиёқ билан касб сирларини ўзлаштирмоқда, - дейди



филиал раҳбари М. Қодиро-ва. -Ўтган йилнинг сўнги чо-рағида илк қалдирғочлари-мизга ҳаётга йўланма бер-дик. Улардан 150 нафари ти-кувчилик, 46 нафари парда-чилик, 23 таси кастюм-шим



тиқиш бўйича махсус гувоҳ-нома олди. Келажакда ушбу фирма ўз имкониятларини кенгай-тира бориб пазандачилик ва сартарошлик бўйича ўқув курсларини ташкил этишни



Чиноз туман марказий кутубхонаси тасарруфиди-га нурхоналар аҳолига зиё улашишда ибрат кўрсатишмоқда. «Таъминотчи-пахта» очиқ турдаги ҳисса-дорлик жамиятида фаолият кўрсатаётган 43-тармоқ кутубхонаси меҳнатқаш-ларнинг маънавий олами-ни бойитишга ҳисса қўша-ётир. Фидойи кутубхоначи Шохиди Асилбекова китоб-хонларга улар истаган асар, қўлланма ҳамда мат-буот нашрларини ўз вақ-тида етказиб бермоқда. Жамият маъмурияти томо-нидан эса зиё масканини бадий ва сиёсий адаби-ётлар билан бойитишга катта эътибор қаратилмоқ-да. Шунингдек, бу ерда таш-кил этилган ҳуқуқий мав-зудаги асарлар бурчаги қорхона ишчи-хизматчила-рининг ўз ҳақ-ҳуқуқларини чуқурроқ англашларига хизмат қилмоқда. Суратда: кутубхоначи Шохиди Асилбекова.

Ким билади, ўша куну «Хоразмтелеком»нинг Гур-дан тумани филиали бўлим бошлиғи Х.Олланазаров чап ёни билан турганими ёки бошқа сабаб биланми О.Давлетовни ҳузурига қақриб, филиалимизда 10 нафар ходим билан тузилган шартнома мумдлати ту-ғади. Шулардан бири сен бўласан, ҳозирроқ ишдан бўшаш тўғрисидаги аризангини ёз, деб қолди.

Инсоф сари барака

ташкilotларга мурожаат қилиб, ёрдам сўрашга мажбур бўлди. Воқеа таф-силоти тўлиқ ўрганиб чи-қилганда шулар маълум бўлдики, на «Хоразмтеле-ком» ташкilotи филиали бошлиғи ва на касаба уюшма кўмитасидагилар унинг дардига қулқос со-лишган эди. Учинчи гуруҳ ногирони О.Давлетов қан-ча вақтини беҳуда ўтка-зиб, асабларини кетказиб сарсон-саргардон бўлиб юрди. Айтиш жоизки, юрти-мизда инсон манфаатла-ри азалдан жуда қадрлаб келинган. Агарки ўз вақ-тида «Хоразмтелеком»-нинг Гурдан тумани фили-али раҳбарлари бунга тўлиқ амал қилишганида, шунча вақт мобайнида но-гирон, кўнгли ярим бир инсон азият чекиб юрма-ган бўларди. Шу ўринда О.Давлетов-нинг айби унинг ногирон-лиғидами, деган табиий савол туғилади. Ундай бўлмаса нега Ойбекни алдашди. Юртимизда ҳар қандай шароитда ҳам ин-сон қадр-қиммати улуғлаб келинаётган бир пайтда ёрдамга муҳтож инсонга нисбатан қилинган бундай муносабатни қандай баҳо-лаш мумкин? Э.ЭРМАТОВ, «Ишонч» муҳбири

ҚАДР

Кутилмаган хабардан Ойбекни совуқ тер босди. Уйда ишсиз ўтирган тур-муш ўртоғи ва ёшгина 2 нафар фарзанди кўз олди-да гавдаланди. Ишдан бўшайдиган бўлсам улар-нинг аҳволи не кечади, дея ўйлаб ўйига етма-ди. Чор ноҷора яна бўлим бошлиғининг олдига ки-риб, вазиятни тушунтирди. - Сенинг шароитинг би-лар мени ишим йўқ, ҳўжа-рини буюрдим, демак ба-жаришим керак, - дея қатъий жавоб берди бўлим бошлиғи Х.Олланазаров. Ойбек шу куну барибир бўшаш тўғрисида ҳеч қан-дай ариза ёзмади. Чунки кўнглининг бир чеккаси инсофга келиб қолар, деб умид қилди. Аммо эрта-сига унга иш йўқлигини айтишди. Орадан 10 кун-лар чамаси ўтгач Ойбекни ишончасига қақиртириш-ди. Бўлим бошлиғи у билан қуюққина сўрашган,

Ўзги соғломлаштириш

Оромгоҳимиз Шаҳрисабз туманидаги ҳушманза-ра маскан ҳисобланган «Қани» кишлоғида, Оксуб дарёси бўйида жойлашган. Вилоят кишлоқ ва сув ҳўжалиғи ихтиёридаги соғломлаштириш маскани ўз фаолиятини кўнгилдагидек бошлади.

НАВБАТДАГИ АНЖУМАН

«Ўзбекистон фани: кеча, бугун, эртага» деган мавзуда республика илмий-амалий конференциясини ўтказиш аънамага айланиб қолди. Бундай нуфузли анжуман-нинг навбатдагисида улуг ал-лома Абу Райхон Беруний илмий фаолияти ҳақида қизиқарли маълумотлар баён этилди. Гап шундаки, Беру-ний Ҳоразм Маъмун акаде-миясига кўп йил бошчилик қилди. Бу орада унинг таш-килотчилик илмий салоҳия-ти ҳам намоён бўлди. Ўзбекистон Фанлар акаде-миясининг Шарқшунослик институти томонидан ана шу жараёни ёритувчи илмий мақола тайёрланди. Илмий муассаса олимла-ри Ҳоразм Маъмун акаде-миясининг миң йиллиғи олди-дан яна қатор изланишлар-ни амалга оширишмоқда. Булар ҳақида республика конференциясида маълумот-лар баён этилди. А.АЛИЕВ

БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Жамоамизда 150 нафар болалар бўлиб, уларни мазмуни дам олишлари намунали йўлга қўйилган. Оромгоҳ бош етакчиси Хулқар Жалилова кунда-лик иш режаларини назо-рат қилиб туради. Маъна-вият ва маърифат хонаси керакли адабиётлар билан жиҳозланган. Оромгоҳимиз ҳудуди Ҳисор тоғ тизмалари яқинида бўлганини учун бу ерда осойишталикни ва хавфсизликни таъмин-лаш учун тадбирлар амалга ошириляпти. Жумладан, вилоят ички ишлар бўли-ми томонидан жалб қилинган Қасби ва Шаҳри-

сабз туман ички ишлар бўлимлари ВЕОХОО бўли-мининг инспекторлари Абдор Ашурув, Эсон Маҳ-камовлар «Ўз уйингни ўзинг асра», «Диққат, пи-лёда», «Светофор» сингари тадбирлар олиб бораёт-ганликлари болаларда кат-та таассурот қолдирмоқ-да. Шунингдек, вилоят ИИБ томонидан ташкил этилган «Таътил» тадбири-да ҳам фаол иштирок эта-яптилар. А.ТЕМИРОВ, Шаҳрисабз туманидаги Зебунисо номли оромгоҳ раҳбари

Огоҳлик — давр талаби

Қорақалпоғистон жуғро-фика жойлашиши жиҳатидан жуда катта худудни эгаллай-ди. Қўшни Ҳоразм, Навоий вилоятлари, Қозғоғистон ва Туркменистон давлатлари қилайлик: Тўрткўл шахрида Самарқанд вилоятида яшов-чи, иш жойининг тайини йўқ 31 ёшли Маҳмуд Норқулов гумдонор сифатида ушланиб, тинтув қилинганда ёнидан 123,6 грамм героин топил-ди. У қилмишига яраша жа-золанди. Ички ишлар ходимлари Тўрткўл тумани ҳудудидаги «Мискин» йўл патрул хизма-ти постида Тошкент томон ҳаракатланаётган «Тико» ру-сумли автомашина йўловчи-си Тошкент шахри Ҳамза ту-манда яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган 1953 йилда турилган Жуманиёз Абдулла-ев тинтув қилинганда ёнидан 0,6 грамм «опий» наркотик моддаси, автомашинадан эса 4,3 грамм «опий» ва 11,5 грамм героин топилди. Ўтказилган рейдларда Тўрткўл шахри Ю.Қурбонов кўчасида жойлашган Ж.Аб-дуллаевга қарашли 5-уй тин-тув қилинганда 0,3 грамм ге-роин ва ноқонуний сақлан-ган 5,6 қилибрий милтқоқ, 83 донна патрон топилди, аш-ёвий далил сифатида олиб қўйилди. Устиртадаги Қозғо-ғистон республикаси билан че-ғарадош «Дауит ота» божхо-на пости ходимлари, капитан

билан чеғарадош. Давлат, республика ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган юзлаб километр масофадаги йўллардан автоуловларга ке-чаю кундуз қатнайдди. Рес-публиканинг ҳуқуқ тартибот идоралари осойишталикни, транспорт ҳаракати хавф-сизлигини таъминлаш, мам-лакатимизга ноқонуний то-варлар кириб келишини бартараф этиш соҳасида бир мунча ишларни амалга оширяптилар. Республика ҳудудида наркотик моддалар тарқай-ши ва гиёҳвандлик оқинла-ри қилишнинг олдини олишга қаратилган бир қан-ча тадбирлар ўтказилди. Тезкор қидирув ишлари на-тижасида гиёҳванд модда-лар билан боғлиқ 252 та жи-ноят аниқланди ва қонун-бузарларга нисбатан тегиш-ли чоралар қўрилди. Жи-ноятчилардан анча миқдорда гиёҳванд моддалар олинди ва йўқ қилинди. Фактларга мурожаат

тидан келаятган «Нексия» автомашинални текшириш-ганда унинг юкқоснасида 1 килограмдан зиёд ўқ-дори топилди. Йўловчи таший-диган автобус кўздан кечи-рилганда ҳеч қандай ҳуж-жати бўлмаган автомашина балонлари Россиядан кутил-лар ичига яшириб олиб ке-линаётган 4 миллион 633 миң сўмлик дори-дармон-лар топилди. Ноқонуний нарсаларни олиб чиқиш ва ташқаридан мамлакатимиз-га олиб кириш ҳолатлари-ни аниқлашда божхона хиз-мати ходими «Шухрат» медали билан мукофотлан-ган Омонғелди Бектурго-новнинг хизмати каттадир. Огоҳлик — давр талаби. Доимо хушёрлик билан юртимиз тинчлиғи, эл осойишталигини қўриқлаш ички ишлар ва божхона хо-димларининг қалб даъвати-га айланган. И.ХИКМАТОВ, «Ишонч» муҳбири

Кўйиш энергияси ёрдамида

Фан ва техниканинг хозирги тараққиёт босқичига асосланиб, келажакдаги янги кашфиётларни изохлаб берувчи фантастик асарлар кўп. Атоқли ёзувчи Алексей Толстойнинг «Мухан-дис Гариннинг гиперболоиди» романи ҳам шундай кизиқарли асарлардан бири. Кейинги йилларда кўп олим-лар бу романнинг техник то-мони зарарли, Гарин гипер-болоидига ўхшаш аппаратни яратиб бўлмайди, деб ҳисобла-шарди. Аммо лазер ва мазерлар-нинг кашф этилиши бу асардаги фикрларнинг тўғрилигини озми-кўпми исботлади. Кўйиш энергияси асосида ла-зернинг яратилиши нур устига аъло нур бўлди. Ўзбекистон Фан-лар академиясининг Паркент ту-манида жойлашган материалшу-нослик институти омиллари са-маралари изланишлари лазернинг оптик тизими конструкциясини яратиш учун йўл очиб берди. Ҳозирнинг ўзида гелиостат майдон ёрдамида импульс ҳосил қилишнинг дастлабки варианты

«АДАБИЁТ МУАЛЛИМИ» САҲНАДА

Атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор-нинг ҳикоялари асосида саҳналаш-тирилган постановкалар томоша-бинларга гоят манзур бўлмоқда. Яқинда ёзувчининг яна бир асари янги пьесага асос бўлди. Китобхонларга яхши маълум бўлган «Адабиёт муаллими» ҳи-о-

«АДАБИЁТ МУАЛЛИМИ» САҲНАДА

яси ҳаваскор истейоддли ёш дра-матург Жаҳонгир Маматқосимов томонидан саҳна асари талқинига айлантирилган мазкур пьеса яқин орада постановка қилинади. Бу ёш қаламкаш Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазир-лиғи ҳамда «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирылашмаси савй-ҳаракати билан ташкил этилган ёш драматурглар тўғрагининг фаол аъзоларидан бири ҳисобланади. Мазкур тўғрагининг бошқа аъзо-лари ҳам саҳналаштириш учун мўлжалланган қатор пьесаларни ёздилар. А.АҚБАРОВ

Ўзбекистон Агросо-ноат мажмуи ходимла-ри касаба уюшмаси Марказий кенгаши жа-моаси Марказий кен-гашнинг меҳнатқаш-ларни ихтимойи ҳимоя қилиш бўлимининг му-таҳассиси Матлуба Уматқуловага онаси НАСИБА АЯНИНГ вафот этганлиги му-носабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибиёт 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 23.00 Тираж: 14198 Буюртма Г— 516

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхон манзили: «Вуюк Турон» кўчаси, 41-уй.